



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 4 май, № 87 (5507)

Жума

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Ташаббус ва илғор ғоялар намойиши



3 май куни "Ўзэкспомарказ" мажмуасида V Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси иш бошлади. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур нуфузли тадбир Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Маълумки, ҳар қайси мамлакат иқтисодиётининг ривожини илмий-техника тараққиёти билан чамбарчас ва узвий боғлиқ. Сабаби, ишлаб чиқаришга интеллектуал салоҳият маҳсуллари бўлган илмий ҳажмдор, юқори самарали ишланмалар, илғор инновацион технологияларни жадал татбиқ этмасдан туриб, ички ва ташқи бозорда рақобатбардор маҳсулотлар тайёрлашнинг иложи йўқ. Шу боисдан республикамизда илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш ва унинг ютуқларидан оқилона фойдаланиш масаласига тараққиётнинг "локомотиви" сифатида қаралади.

Ярмарканинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан илмий муассасалар, тадқиқотчи-олимлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани натижасида мамлакатимизнинг илмий



салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Унинг ютуқлари ижтимоий-иқтисодий соҳалар истиқболига, шу билан бирга, тизимдаги долзарб масалалар ечимига хизмат қилаётти.

Дарҳақиқат, ҳўжалик шартномалари асосида тадқиқотлар билан шугулланаётган илмий муассасаларга солиқ имтиёзлари берилгани, давлат корхоналарида инновация марказлари ва жамғармалари ташкил этилгани илм-

фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада жадаллаштириб юборди. Шубҳасиз, бу жараёнда Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси новаторлар ҳамда инновацион лойиҳалар инвесторлари ўртасида муҳим кўприкка айланди. Нега деганда, у ўтган давр мобайнида инвестициявий талабларни инновация соҳасидаги тақлифлар билан бирлаштирадиган амалий алоқа-

лар майдони макomini касб этди. Аввалги ярмаркалар давомида умумий қиймати 51 миллиард сўмлик 1584 та шартнома ва келишув баённомалари тузилгани бунинг яққол исботидир. Уларнинг ижроси бўйича изчил чора-тадбирлар қўрилгани туфайли эса саноат тармоқларида юксак самарадорликка эришилгани, айниқса, диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

Маҳсулот хилма-хил, мақсад муштарак

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодиётнинг турли соҳалари қаторида мазкур тармоқлар ҳам жадал ривожланмоқда. Бунда кўпга янги корхоналар ишга туширилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ташкил этилган ва аънавий туш олган ушбу тадбир ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришда беқийс аҳамият касб этаётганини биргина ўтган

йилги ярмаркада 158 та маҳаллий ва 53 та хорижий корхона вакиллари иштирок этиб, яқунда 280,4 миллиард сўмлик 649 та шартнома имзолангани кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, бугунги кунда саноатчиларнинг йирик иқтисодий форумига айланган мазкур кўргазмада қатнашчилар сони ҳам, намоиш этилаётган маҳсулотлар тури ҳам йил сайин ортиб бораётти. Мисол учун, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимида 13 та худудий бирлашма, 99 та пахта тозалаш заводи ва 32 та чигит тайёрловчи махсус цех мавжуд бўлса, улар томонидан ўтган йилнинг октябр ойида бўлиб ўтган бешинчи Халқаро Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида маҳсулот етказиб бериш ҳамда харид қилиш бўйича 130 миллиард сўмлик шартнома тузилган эди.

(Давоми 2-бетда).

ИЖОД ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида "Олтин қалам" VII Миллий мукофоти голибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Эътироф

Тобора шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда ахборотга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан-да юқори. Унга қўйилаётган талаб эса янада қатъий: ахборот маконида айтилган ҳар бир сўз ҳолис, ҳаққоний бўлмоғи ва эзгуликка хизмат қилиши керак. Ана шунда аҳолининг оммавий ахборот воситаларига ишончи янада мустаҳкамланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳаётимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органи фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилганда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида, айниқса, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини қонуний қаратилганда ҳаққоний равишда пухта ҳуқуқий тизим яратилгани, соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамлаш бўлиб келгани, янги имтиёз ва преференциялар берилгани амалда уларнинг мустақиллигини таъминламоқда.

(Давоми 3-бетда).

Пластик жарроҳлик истиқболлари

Пойтахтимизда пластик жарроҳликнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди.

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилиги болалар жамғармаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда олимлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, АКШ, Австрия, Буюк Британия, Бразилия, Германия, Франция, Греция, Жанубий Корея, Россия сингари йигирмага яқин хорижий давлатларнинг пластик жарроҳлик бўйича мутахассислари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А. Икромов, Ўзбекистон пластик жарроҳлар жамияти раиси М. Жаъфаров ва бошқалар мамлакатимизда аҳолига тез ва сифатли, юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш масаласида доимий эътиборда эканини таъкидлади. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар, Фармон ва қарорлар миллатимиз генофондини янада соғломлаштириш, болаларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб voyга етиши, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш йўлида муҳим омил бўлмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги изчил ва тизимли ишловлар самарасида иختисослаштирилган тиббиёт муассасаларини барпо этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур тиббий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда ноғиронлиқнинг олдини олиш, турли нуқсонлар билан дунёга келган гўдакларни ўз вақтида даволаш бўйича бир қатор лойиҳалар муваффақиятли бажарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

Илгари хабар берилганидек, жорий йилда Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига роппа-роса 20 йил тўлди. Шу муносабат билан "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири Япония ташқи ишлар вазири Коитиро ГЭМБА мулоқотда бўлди. Куйида ушбу суҳбат эътиборингизга хавола этилади.

Ўзбекистон — Япония: Самарали ҳамкорлик йўлида

— Вазир жаноблари, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги 20 йиллик ҳамкорлик натижалари ва икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришнинг истиқболлари ҳусусидаги фикрларингизни билишни истар эдик...

— Турли макомдаги, жумладан, олий даражадаги ўзаро таширф ва сиёсий мулоқотлар туфайли сўнгги 20 йил давомида икки мамлакат ўртасида дўстона ва ўзаро ишончли асосланган муносабатлар шаклланди. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг Ислам Каримовнинг ўтган йил февраль ойида Японияга таширфи стратегик шерикликка асосланган икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим босқич ва салмоқли қадам бўлди.

Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланмоқда. Нафақат икки давлат ҳўкуматлари, балки маҳаллий ҳўкимият идоралари, корхоналар, тадқиқот институтлари, маданий муассасалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан келишувларга эришилгани ҳолда, мамлакатлари-

миз орасида кўп қиррали муносабатлар йўлга қўйилаётти.

Япония ва Ўзбекистон минтақавий ва халқаро масалалар бўйича турли лойиҳалар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, 2011 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конференциясида БМТ инсон ҳавфсизлиги бўйича Траст жамғармаси орқали (UNTFHS) Орол денгизи ҳудудидаги вазиятни яхшилашга кўмак кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Айтиш жоизки, мазкур жамғарма Япония ташаббуси билан таъсис этилган.

Шунингдек, Япониянинг Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Толлимаржон иссиқлик электр станциясини молиялаштиришдаги иштироки ҳам эътиборга молиқдир. Ўз навбатида, Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафига киришиши қўллаб-қувватлаб келмоқда ва бунинг учун мамлакатингиз ҳўкуматига яна бир бор миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ҳақида сўз кетар экан, "Марказий Осиё + Япо-

ния" Мулоқотини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ўзбекистон мазкур мулоқот ўтказилишига яқиндан кўмаклашиб келмоқда. Хусусан, 2010 йил август ойида Тошкентда Ташқи ишлар вазирларининг учинчи йиғилиши муваффақиятли ўтди. Ушбу мулоқотдан қўзланган асосий мақсад Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ички минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сўй-ҳаракатларни фаоллаштириш билан изоҳланади. Япония Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги ва гуллаб-яшнаши учун ушбу ҳудудда жойлашган мамлакатлар умумминтақавий муаммоларини ҳал қилишга биргаликда ёндашмоғи зарур, деб ҳисоблайди.

Жорий йилнинг кузига мазкур Мулоқот доирасида Токио шаҳрида Ташқи ишлар вазирларининг туртинчи йиғилишини ўтказиш режалаштирилмоқда. Ушбу муҳим тадбирга Япония ташқи ишлар вазири раислик қилади. Мажлис муваффақиятли ўтиши ва у Япониянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган муҳим воқеа бўлиб қолишига аминман.

(Давоми 2-бетда).

Оила — давлат эътиборида

Мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Ўзбекистон Республикаси Олий судида оиланинг давлат муҳофазасида бўлиши қафолатларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Олий суд ҳузуридagi Тадқиқот маркази билан ҳамкорликда

ташкил этилган мазкур тадбирда Тошкент шаҳар ва вилояти ҳўкимликлари, Фуқаролик ишлари бўйича судлар судьялари, прокуратура, адлия, хотин-қизлар кўмиталари, таълим, соғлиқни сақлаш идоралари ходимлари, маҳл-

лалар фаоллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оилаларни ҳимоялаш,

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда солиқ соҳаси учун раҳбар кадрларни тайёрлашнинг долзарб масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир

Унда мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва замонавий ахборот-коммуникация ҳамда педагогик технологиялар асосида тако-

Юксак малакали кадрлар солиқ соҳаси ривожидида муҳим ўрин тутди

миллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди. Бунинг учун зарур ҳуқуқий-ташқиллий пойдевор яратилгани эса жамиятнинг барча жабҳалари қаторида солиқ органларига ҳам малакали кадрлар етказиб бериш, уларнинг салоҳиятини юртимиз равнақини таъминлашга йўналтиришда муҳим омил бўлмоқда, албатта. Бугунги кунда Тошкент, Бухоро ва

Фарғона шаҳарларида Давлат солиқ кўмитасига қарашли 3 та коллежда ҳамда пойтахтимизда Солиқ академияси фаолият юртимокда. Мазкур билим юртлари соҳа учун юқори малакали ва юксак маънавиятли мутахассисларни тайёрлаш узлук-сизлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келаётти.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Олий Махлис Сенатининг раиси бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегациясининг 2010 йил декабрь ойида Японияга уюштирилган расмий сафари ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши баробарида, халқларимиз ўртасидаги ўзаро аниқлашув ва дўстликни мустахкамлашга ҳам хизмат қилди. Биз икки мамлакат ўртасидаги парламентар-

биркорлар кўпайишига ҳар томонлама кўмаклашмоқда.

2011 йил октябрь ойида Цукуба университетидан икки мамлакат талабалари иштирокида иккинчи Ўзбекистон — Япония академик анжумани ҳамда 2011 йил 1 ноябрь кунинанга Япония университетидан ҳар бир мамлакатдан ўн нафардан олий таълим муассасалари раҳбарлари қатнашган Ўзбекистон ва Япония олий ўқув юртилари ректорларининг кўшма мажлиси ўтказилгани таълим соҳасидаги ҳамкорлик

оид ва бошқа ёдгорликларни ер остидан қазиб олиш, сақлаш ва таъмирлаш борасида мамлакатларимизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари бунинг яққол мисоли бўла олади.

Бинобарин, ЮНЕСКО ва Япония Траст жамғармасининг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича қўшма лойиҳаси доирасида ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Хусусан, Япония қўшма мамлакатлар заминини қесиб ўтган Буюк Ипак йўли бўйидаги иншоотларни

сайёҳлари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2003 йилнинг декабрида имзоланган “Ҳаво алоқаси тўғрисида”ги битим бу борада муҳим аҳамият касб этаётди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ҳозирги кунда икки мамлакат ўртасида ҳафтада икки марта тўғридан-тўғри ҳаво қатнови амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон Япония учун “Буюк Ипак йўли дарвозаси”га айланди.

Бундан кейин ҳам Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда сайёҳлар алмишунини фаоллаштириш борасидаги ишларимизни изчил давом эттираемиз ҳамда Ўзбекистон яна ҳамда янада яқин ҳамкор мамлакатга айланади, деб умид қиламан.

— **Сиз аввал ҳам Ўзбекистонда бўлгансиз. Мамлакатимиздан олган таассуротларингиз қандай? Бу заминда сизни нималар мафтун этди? Нималар ёдингизда қолди?**

— Мен 2001 йилнинг апрель ойида Кансай халқаро аэропорти ва Тошкент ўртасида тўғридан-тўғри мунтазам авиақатнов йўлга қўйилиши муносабати билан ташкил этилган маросимда қатнашган эдим. Гарчи қисқа муддат бўлса-да, Ўзбекистон бозорларидан бирига бориб, у ердаги ажойиб муҳитни кўриб, катта таассурот олганман. Мунтазам парвозлар йўлга қўйилиши ва улар сони ҳафтага қўшма қўшма кўпайиши икки халқ ўртасидаги ўзаро алоқаларни жалдлаштиришига имкон бергани бизни ниҳоятда қувватлади.

Мен туғилиб ўсган Фукусима шаҳри Ўзбекистон билан яқин алоқалар тарихига эга. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг шу ёрдада Ўзбекистонда курилиш ишларига жалб қилинган япон маҳбўслари орасида Фукусима префектурасидан бўлган юрдошларимиз кўп эди. Маълумки, Тошкентда япон асирлари томонидан қурилди, ҳатто, кучли зилзила чоғида ҳам бузилмаган ва Марказий Осиёдаги маданият марказларидан бири ҳисобланган Алишер Навоий номидagi опера ва балет театри мавқуд.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан дўстона муносабатларни мустахкамлаш йўлида “Ўзбекистон — Фукусима Маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси” фаол иш олиб бормоқда. Ўзбекистонга нисбатан узғача ҳис-туйғуларимизнинг яна бир боиси шунда. Шу сабабли “Япония демократик партияси — Ўзбекистон Парламенти” дўстлик лигасининг Бош котиби лавозимини эгаллаб турибман.

Имконият туғилиши билан Ўзбекистонга яна боришни ва мамлакатингиз фуқуқкорлигини тақдор кашф этишни чин дилдан истаيمان.

«Жаҳон» АА.

Аҳоли саломатлиги муҳофазаси ва ижро масъулияти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг Бухоро вилоятидаги ижросини ўрганишга оид назорат-таҳлил фаолияти яқунлари бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда қўйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, мухтассис-экспертлар қатнашди.

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг зарур ҳуқуқий-меъёрий пойдевори яратилиб, тақомиллаштириб келинмоқда. Айни чоғда жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тиббиёт тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Пировардида оналар ва болалар соғлигини мустахкамлашда юксак натижаларга эришилмоқда. Соҳада кўлга кiritилаётган ютуқлар эса халқро микдосда ҳақли равишда ўз эътирофини топапти.

Ийгилишда “Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни одам организмида йоднинг етишмаслиги оқибатида калконсимда без касалликлари кўринишида намоён бўладиган хасталиклар профилактикаси жараёнидаги муносабатларни тартибга солиши бўйича мониторинглар олиб борилаётди.

Ийгилишда бу борада ўз ечимини қутаётган масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, йодланган туз ва озик-овқат маҳсулотлари сифати, уларни сақлаш шароитлари устидан давлат назоратини янада қучайтириш мақсада мувофиқ, Шунингдек, ош тузларининг йодланганлик даражасини изчиллик билан таъминлаш, мазкур жараёнларда тегишли ташкилот ҳамда идоралар мутасаддилари масъулиятини ошириш ниҳоятда муҳимдир.

Тадбирда Қонун ижроси юзасидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси санитария меъёrlари, қоидалари ва гигиена нормативларида белгиланган йодланган ош тузунини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотишга қўйилган талабларга риоя этилиши, жойлардаги маъсул ташкилот, корхона, муассасалар, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қучайтириш, йод этишмаслиги касаллигининг олдини олиш ва унинг келиб чиқиши билан боғлиқ муаммо-камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан аниқ тавсия ҳамда тақлифлар берилди.

С. МАХСУМОВ.

Оила — давлат эътиборида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган юксак эътибор мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, тadbиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш орқали халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Конституцияимизнинг “Оила” бобида оила жамиятнинг асосий бўғини экани ҳамда жамият ва давлат муҳофазатида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги мустахкамлаб қўйилган. Бу халқро ҳуқуқ нор-маларига тўла мос. БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида оиланинг давлат муҳофазатида бўлиши давлатлар зиммасига юклатилган муҳим вазифалардан бири сифатида алоҳида қайд этилган.

Асосий Қонунимиздан келиб чиқиб, қабул қилинган Оила кодекси, элликка яқин қонун, Президентимизнинг қўллаб-қувватлаш ва қарор-қаролик оила билан боғлиқ муносабатлар ўз ифодасини топан. Улардаги оиланинг макр-ми, эр-хотиннинг тенглиги, ота-онанинг воғна етмаган фарзандлар тарбиясидаги мажбуриятлари, воғна етган болаларнинг ота-оналарга гамаҳурилиқ қилиш масъулиятига оид нормалар, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этаётди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида орқали халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Конституцияимизнинг “Оила” бобида оила жамиятнинг асосий бўғини экани ҳамда жамият ва давлат муҳофазатида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги мустахкамлаб қўйилган. Бу халқро ҳуқуқ нор-маларига тўла мос. БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида оиланинг давлат муҳофазатида бўлиши давлатлар зиммасига юклатилган муҳим вазифалардан бири сифатида алоҳида қайд этилган.

Асосий Қонунимиздан келиб чиқиб, қабул қилинган Оила кодекси, элликка яқин қонун, Президентимизнинг қўллаб-қувватлаш ва қарор-қаролик оила билан боғлиқ муносабатлар ўз ифодасини топан. Улардаги оиланинг макр-ми, эр-хотиннинг тенглиги, ота-онанинг воғна етмаган фарзандлар тарбиясидаги мажбуриятлари, воғна етган болаларнинг ота-оналарга гамаҳурилиқ қилиш масъулиятига оид нормалар, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этаётди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида орқали халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Конституцияимизнинг “Оила” бобида оила жамиятнинг асосий бўғини экани ҳамда жамият ва давлат муҳофазатида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги мустахкамлаб қўйилган. Бу халқро ҳуқуқ нор-маларига тўла мос. БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида оиланинг давлат муҳофазатида бўлиши давлатлар зиммасига юклатилган муҳим вазифалардан бири сифатида алоҳида қайд этилган.

Асосий Қонунимиздан келиб чиқиб, қабул қилинган Оила кодекси, элликка яқин қонун, Президентимизнинг қўллаб-қувватлаш ва қарор-қаролик оила билан боғлиқ муносабатлар ўз ифодасини топан. Улардаги оиланинг макр-ми, эр-хотиннинг тенглиги, ота-онанинг воғна етмаган фарзандлар тарбиясидаги мажбуриятлари, воғна етган болаларнинг ота-оналарга гамаҳурилиқ қилиш масъулиятига оид нормалар, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этаётди.

Анъанавий медиа қўнлари ўтказилди

Пойтахтимизда 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни муносабати билан “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали доирасида медиа қўнлари бўлиб ўтди.

Форум

У Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Конрад Аденаур жамғармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамда бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда давлат, жамоат ва хорижий ташкилотлар вакиллари, ассоциацияга аъзо нодавлат телерадио-станциялар раҳбарлари, ёш журналистлар ҳамда санъат намояндalар қатнашди. Медиа қўнлари доирасида бир қатор семинар-тренинглр, давра суҳбатлари, амалий машғулотлар ўтказилди.

Жумладан, ана шулардан бири — медиафорумда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижросини ёритишда ёшларга мўлжалланган медиаойиҳаларнинг роли, ёшлар телестудиялари журналистлари ижодий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда “Форум ТВ” халқро сунъий йўлдош телеканали медиаконтенти сифатини ошириш, мамлакатимизнинг етакчи матбуот нашрлари, ахборот агентликлари ва таъ-

лим марказларида ёш журналистларнинг амалиёт ўташи тажрибаси каби маззуларда фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Медиа қўнлари “Журналистлар баҳори” анъанавий танлови билан давом эттирилди. — Мазкур тадбир 2008 йилдан бери ўтказиб келинмоқда, — деди ЎЗОАВМА бўлим бошлиғи М. Сулаймонова. — Бу йилги мавсумда ҳам ассоциациямизга аъзо ҳудудий телестанциялар ўзлари фаолият юритаётган вилоятга хос урф-одатлар, удуллар намойиши, сахна қўрунишлари ва таомлар кўргазмаси билан қатнашиб, тадбирга янада файз бахш этилди.

Фестиваль якунида голибларга ташкилотчилар ва хомийлар томонидан тасйс этилган эсдалик совғалари ҳамда махсус дипломлар топширилди.

С. МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ташаббус ва илғор ғоялар намойиши

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ғап шундаки, инновацион технологияларнинг амалиётга жорий қилиниши туфайли 307,6 миллиард сўмлик янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 17,9 миллион АҚШ доллари миқдоридagi импорт маҳсулотлар ўрни қопланди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Замонавий технологиялар шарофати билан электр энергияси ва бошқа ресурслар тежаллиши эвазига 3,3 миллиард сўм миқдоридa маблаг иқтисод қилиниб, 400 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Бу йилги ярмаркада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа идоралар тизимидаги 100 дан зиёд илмий тадқиқот, олий таълим, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, кичик инновация корхоналари ва иктирочиларнинг 500 дан зиёд технологиялари, ишланмалари ҳамда ғоялар намойиш этилмоқда. Улар саноят, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, фан ва таълим сингари йўналишларини қамраб олган. Тақдим этилаётган ишланмалар ички эътиҳад келиб чиққан ҳолда яратилган бўлиб, уларни қўллаш импорт ўрнини босувчи ва экспорт маҳсулотлар тайёрлаш имконини беради. Шунинг учун ишланмаларнинг бирортаси мухтассислар эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Масалан, М. Уразбоев номидagi механика ва иншоотлар сейс-



мик мустаҳкамлиги институти томонидан тақдим этилган тақомиллаштирилган арралар жинлаш машинаси (топа ажраткич)га пахтани қайта ишлаш заводлари вакиллари қизиқиш билдиришяпти.

— Мазкур янги машинанинг афзалликлари кўп, — дейди ишланма муаллифи, техника фанлари номзоди Давлат Муҳаммадиев. — Унинг ёрдамида қайта ишланган хом ашёдан юқори сифатли топа олиниб, иш унумдорлиги 30-50 фоизга, толангич чиқиши эса 2-2,5 фоизга ошади. Бу жараёнда чигитнинг тўлиқ тўқдорлиги руҳсат этилган чегара доирасида сақланиши таъминланади. Иқтисодий самарадорлиги ҳам юқори бўлиб, уни қўллаш орқали ҳар бир корхона йилга 43,6 миллион сўм миқдоридa маблаг тежаллиши мумкин. Шунинг учун у ҳозирги кунда Тошкент вилоятидаги унча пахта тозалаш корхонасида кенг қўланилмоқда.

Жорий йилги тадбирнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган инновацион технологиялар ҳам намойиш этиляяпти. Шу мақсадда “Оилавий бизнес” бўлимига ажратилган алоҳида ярмада 24 та ишланма ўрин олган. Бухоро давлат университети илмий жамоаси томонидан тақдим қилинаётган автоматлаштирилган кўёш мева қуриттичи — ана шундай ишланмалардан бири. Кўёш қуввати билан ишлайдиган мазкур минитехнология ёрдамида мева-

ларни очик майдондагига нисбатан 2,5-3 марта тез қуриштириш мумкин. Бошқача айтганда, унинг ҳар квадрат метрда 25-30 килограмм ўрик, помидор, узум ёки 10-15 килограмм гилос сифатли қуриштирилади.

Ярмаркада, айниқса, икчам ускуна ва жиҳозлар, илғор инновацион ишланма ва технологиялар шайорлиги кизиқишни тобора оширмоқда. Аслида, тадбирдан қўзланган мақсад ҳам илмий ва амалий тадқиқотлар натижаларини жамоатчиликка намойиш қилиш, улар орасидан энг мақбуллари саралаб, ишлаб чиқаришда қўллаш, корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашишдан иборат.

Кўмачлиси, биринчи кундан томонлар ўртасида қўллаб маблагли шартнома ва баённомалар имзоланади.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Хусан ПАЙДОВ, олган суратлар.

Маҳсулот хилма-хил, мақсад муштарак

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Жорий йилги тадбирда эса қўшимча 4 миллиард 600 миллион сўмлик шартнома имзоланиши кутилаётгани унинг муваффақиятидан далолатдир. Тақдимот стендларини қузатган киши уларнинг ҳар бирида қизгин музокара ёки аниқликларга дуч келади. Шундай бўлиши табиий, албатта. Чунки айнан мазкур тадбир импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришга, корхоналар ўртасида кооперация алоқаларни ривожлантиришга, ички бозорда маҳаллий товарлар ҳажмининг ўсишини таъминлашга мустаҳкам пойдевордир. Бошқача айтганда, ярмарка ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга, соҳадаги янгиликларни омаллаштиришга улкан ҳисса қўшапти.

— Халқро Саноят ярмаркаси Кооперация биржаси ички бозор талаблари билан яқиндан танишиш ҳамда талабга кўра, янги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш имкониятини кенгайтирмоқда, — дейди “Cotton Road” қўшма корхонаси бош менежери Тўлқин Ахмадиев. — Жумладан, ўтган йилги ярмарка давомида биз “Узметкомбинат”, “Максам Чирчиқ” корхоналари, Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари ҳамда бир қатор спорт ташкилотларида буюртма олиб, улар учун махсус кийим тижини шўлга қўйган эдик. Ярмаркага 50 турдан ортиқ маҳсулотларимиз билан бирга, уларни ҳам келтирганмиз. Эътиборлиси, бунинг натижасида янги дастаҳлол харид қилиб, 200 нафар кишини иш билан таъминладик.

“Аккра Зан” масъулияти чекланган жамияти тақдим этаятган кальцийлаштирилган кукун ҳам ярмарка иштирокчиларида қизиқиш уй-

ғотмоқда. Корхона вакили Айгул Шалқараеванинг айтишича, бу маҳсулот парранда ва чорва моллари озукасига қўшимча сифатида ишлатилади. Бугунги кунда жамият маҳсулотлари “Ўздонмаксимум” акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарга, паррандачилик фермалари ҳамда фермер ҳўжалиқларига етказиб берилмоқда.

Тадбирнинг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, ахборот технологиялари ва телекоммуникация тармоқлари йўналишида намойиш қилинаётган маҳсулоту хизматлар кўлами ҳам ниҳоятда ранг-баранг. Хусусан, “Узфарманот” давлат-акциядорлик концерни томонидан ўзаро кооперация алоқаларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзкимсанот” давлат-акциядорлик компанияси ва бошқа ташкилотлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик натижасида қўллаб янги ва тайёр дори восита-

лари ишлаб чиқариш технологияларини яратиш устида изланишлар олиб боришмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагидa 13 номда янги препаратлар ишлаб чиқарилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Эътиборлиси, ҳозирги кунда бу тизимдаги 127 та корхона ва илмий муассасалар ички бозор талабларини учдан бир қисмини дори воситалари билан таъминлаб келмоқда.

Дилшод УЛУМУРДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

М. ҚОСИМОВ.

Назозат УСМОНОВА, ўза мухбири.

ИЖОД ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ



(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Биобарин, мазкур танловнинг мақсади ҳам миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омалаштириш, ОАВ ходимларининг

фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шарт-шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантиришдан иборатдир.

Бу йилги танловда 470 нафар журналист 8 минг 300 га яқин ижодий ишлари билан иштирок этди. Бундан аён бўладики, маҳаллий ва хорижий журналистларнинг ушбу ижод ҳамда маҳорат кўригига

бўлган қизиқиши йил сайин ортб борапти.

Танловнинг бош миллий мукофотини кўлга киритган "Фаргона ҳақиқати" — "Фарганская правда" газеталари тахририяти жамоаси (Бош муҳаррир Баҳромжон Обид-

жонов) махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статустаси ва энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланди.

Телевидение, радио, даврий матбуот ва интернет журналистикаси йўналишида голиб бўлганлар ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Бундан ташқари, бир қатор журналистларга БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, "Регионал диалог" (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ўз мукофотларини топширди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

Р. САИДОВ.

Эл ардоғи, юрт эъзози

